



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 12 август, № 163 (9334)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

НЕФТЬ-ГАЗ БОЗОРИДА БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев
11 август куни нефть-газ бозорида
барқарорликни таъминлаш,
иқтисодийёт тармоқлари ва аҳолига
углеводород ресурсларини узлуксиз
етказиб бериш чора-тадбирлари
юзасидан тақдирот билан танишди.**

Мамлакатимизда саноат қувватлари кенгайиб, аҳоли эҳтиёжлари ортиб бораётгани табиий газ ва нефть маҳсулотларига талабни оширмоқда. Бундай шароитда ички бозорни зарур ресурслар билан барқарор таъминлаш, мавсумий эҳтиёжларни олдиндан ҳисобга олиш ва нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Тақдиротда нефть ва газ қазиб чиқариш, импорт қилиш, қайта ишлаш, захира-лаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш ҳолати кўриб чиқилди. Тармоқлар ва ҳудудлар эҳтиёжини аниқ ҳисоб-китоб қилиш, ички талабни устувор таъминлаш ва етказиб бериш жадвалларига қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидланди.

“Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамиятида табиий газ қазиб чиқариш суръатларини барқарор сақлаш, мавжуд конлар имкониятидан самарали фойдаланиш ва янги қудуқларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳома қилинди.

Август ойида 27 та қудуқни ишга тушириш режа-лаштирилган. “Янги Қултак”, “Ниёз”, “Қоратау”, “Марварид” ва “Тегирмон” конларидаги ишлар ҳисобига қўшимча 887 минг куб метр табиий газ қазиб чиқариш имконияти яратилди.

Қудуқларни бурғилашдан тортиб, уларни газ узатиш тармоғига улашгача бўлган жараёнларни кунлик назоратга олиш, электр таъминоти ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарини ҳомашё билан бир маромда таъминлаш, мавжуд қувватлардан

самарали фойдаланиш ҳамда ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Углеводород ресурсларини ҳудудларга ўз вақтида ва етарли ҳажмда етказиб бериш, зарур захираларни олдиндан шакллантириш ҳамда ишлаб чиқарувчи, ташувчи ва сотувчи корхоналар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Нархлар барқарорлигини сақлаш учун бозорда етарли тақлифни таъминлаш, маҳсулотларни биржа савдо-ларига талабдан келиб чиқиб чиқариш, ишлаб чиқариш ва логистика харажатларини қисқартириш муҳимлиги таъкидланди. Ресурсларни асоссиз ушлаб туриш, сунъий тақчилликни юзга келтириш ва нархларни оширишга қаратилган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан назорат ўрнатиш топширилди.

Ички бозорда талаб ва тақлиф мувозанатини сақлаш, углеводород ресурслари таъминотида узлишларга ҳамда нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик мақсадида “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамиятига нефть ва газ қазиб чиқариш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларини сўзсиз таъминлаш вазифаси қўйилди. Суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини йил якунига қадар режадаги 520 минг тонна ўрнига 606 минг тоннага етказиш топширилди.

Мутасаддиларга ички бозор эҳтиёжини кунлик таҳлил қилиб бориш, таъминот билан боғлиқ хавфларни олдиндан аниқлаш ва зарур чораларни ўз вақтида кўриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

СОҒЛОМ МИЛЛАТ — КУЧЛИ ДАВЛАТ, ФАРОВОН ЖАМИЯТ ДЕМАК

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллик байрами тобора яқинлашиб келмоқда. Босиб ўтилган тарихий йўлга энг муҳим ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш тизими нуктаи назардан назар ташлар эканмиз, миллат саломатлиги давлат хавфсизлиги ҳамда иқтисодий барқарорликнинг бош кафолати эканига яна бир бор амин бўламиз.

Охириги ўн йилликда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган инқилобий ислохотлар натижасида соҳада “Инсон қадри учун” тамойили тўлиқ қарор топди. Тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш ва юқори технологияли тиббиётни ривожлантириш йўлида асрларга татигулик ислохотлар амалга оширилди. Бугунги ўзбек тиббиёти нафақат касалликни даволайдиган, балки тиббий туризм марказига айланаётган, мураккаб трансплантация амалиётларини ўз ҳудудимизда муваффақиятли ўтказиб бериш юқори технологик тизимга айланди. Зеро, миллат соғлом бўлса — давлат кучли, жамият эса фаровон бўлади.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар



Халққа яқинлашув сиёсати

Кейинги йилларда “Биз соғлиқни сақлашга сарфлаётган маблағни харажат эмас, балки инсон капиталига киритилаётган энг оқилона инвестиция деб билишимиз керак”, деган ғоя соҳадаги ислохотлар пойдевори бўлди. Шу нуктаи назардан, тиббиётни “шифохонадан — маҳаллага ва хонадонга” кўчириш бўйича мутлақо янги тизим яратилди.

ҚВПлар ўрнига замонавий Оилавий шифокор пунктлари ва Оилавий поликлиникалар ташкил этилди. Ҳар бир маҳаллада аҳоли саломатлик кўрсаткичлари бўйича 4 та хавф гуруҳига бўлинди. Йилига миллионлаб фуқаролар маҳалланинг ўзида бепул скрининг ва тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. ➡4

ТАФАККУР ВА ТАРИХ ТУТАШГАН НУҚТА

Публицистик асарлар ҳам ҳудди одамлар каби турлича тақдирларга эга бўлади. Айримлари ўқилади ва эсдан чиқади, баъзилари эса маълум бир даврнинг ҳужжати бўлиб қолади. Яна шундай китоблар борки, уларни ўқиётганда муаллиф билан эмас, ўзингиз билан суҳбатлашаётгандек бўласиз: кечаги кунни эслайсиз, бугунни баҳолайсиз ва эртанги кун ҳақида ўйлайсиз.



Мутолаа

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “МИЛЛАТ ШАВКАТИ” китоби ана шундай мутолаага ундайдиган асарлар сирасига киради. Китобда турли вақтларда, турли воқеалар муносабати билан ёзилган битикларда ўзаро ички муштараклик — тафаккур изчиллиги, даврга берилган бир неча қиррали баҳо ҳамда тарихий жараёнга турли нукталардан қараш имконияти яққол кўринади.

Шу маънода, асарни муайян йиллар давомида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг публицистик солномаси, деб аташ мумкин. Бироқ бу солнома

қуруқ рақамлар, саналар ва воқеалардан иборат эмас. Унда инсон бор. Унда миллат тақдирини муҳассам. Сатрлар қаттида тарихий хотиралар жонланади. Энг муҳими, ўзгаришларнинг инсон онги ҳамда руҳиятидаги акс садоси тасвирланади.

Ўзгаришни кўриш ва уни англаш — бошқа-бошқа нарсалар аслида. Бугун янгиликка кўникиш низоҳатда тезлашган даврга яшаяпмиз. Кечаги ғайриоддий воқеа бугун оддий ҳолдек қабул қилинади. Кеча биз учун тасаввур этиш қийин бўлган бинолар, йўллар, шаҳарлар, технологиялар, халқаро му-

носабатлар бугун ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурмоқда. Китобнинг туб моҳияти ва аҳамияти ҳам, назаримизда, ана шу нуктада намоён бўлади.

Муаллиф бизга “Ўзгаришлар бўляпти” дейиш билан чекланмайди, “Бу ўзгаришларни қандай англаймиз?” деган саволни ўртага қўяди. Бу икки ёндашув орасида катта тафовут бор. Чунки биноларни, йўлларни, янгидан-янги шаҳарлар, корхоналар, мактаблар ҳамда замонавий инфратузилмани кўриш мумкин. Лекин одам тафаккуридаги ўзгаришни кўриш учун кузатувчанлик керак. Жамият руҳиятидаги ўзгаришни англаш учун эса янада каттароқ мушоҳада ва салоҳият талаб этилади.

Қудратилла Рафиқов публицистикасининг ўзига хослиги шундаки, у воқеанинг ташқи кўриниши ортидан унинг маънавий ва руҳий моҳиятини излайди. Масалан, шаҳар-созлик ҳақида гапирар экан, масалан фақат бино ҳамда иншоотлар билан чекламайди. ➡4

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Энергетика соҳасини иқтисодийётнинг қон томирига менгзашиди. Чуккурроқ мушоҳада қилинса, аслида ҳам шундай. Танамиздаги томирларимиз вужудимизнинг ҳар бир аъзосига қандай ҳаёт бағишласа, энергия ҳам мамлакат тараққиётининг барча йўналишини ҳаракатга келтиришда шу каби муҳим вазифани бажаради. Завод ва фабрикаларнинг узлуксиз ишлаши, тадбиркорлик ривожини, аҳоли хонадонларидаги фаровонлик, янги лойиҳаларнинг амалга ошиши — барчаси ишончли ва барқарор энергетика тизимига чамбарчас боглиқ.

Акс садо

Сўнгги йилларда мамлакатимизда энергетика соҳасида катта ўзгаришлар қилинаётган бўлса-да, жадид ривожланаётган иқтисодийёт ва аҳоли эҳтиёжларининг ортиб бориши соҳани янада такомиллаштириш бўйича янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Энди масала фақат электр ва газ ишлаб чиқаришда эмас, балки уни истеъмолчига сифатли, узлуксиз ва самарали етказиб беришдир. ➡2

Президентимизга энергетика тармоғи олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берилгани ҳам соҳадаги ислохотларнинг янги босқичига кўтарилаётганини кўрсатади. Бу жараёнда асосий эътибор муаммолар оқибатини бартараф этишга эмас, балки уларнинг олдини олиш, тизимли ечимлар ишлаб чиқиш ва соҳада самарали бошқарувни йўлга қўйишга қаратилмоқда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ



Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланиб, қишлоқ ҳўжалигида барқарор ишлаб чиқариш тизимини шакллантирилмоқда, шунингдек, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш устувор вазифага айланмоқда.

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлиги” доирасида ўтказилган “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарор аграр тараққиёт: устувор вазифалар ва истиқболлар” мавзусидаги семинарда ҳам айнан шу масалалар муҳома қилинди.

Айтилгандек, глобал иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг танқислиги, ерларнинг дег-

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш раци-онини яхшилаш ҳамда қишлоқ ҳўжалигининг барқарор тараққиётига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сенат қўмитасида

радиацияга учраши, аҳоли сонининг ўсиши ва озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ортиши аграр соҳани янги ёндашувлар асосида ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Семинарда озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат қишлоқ ҳўжалиги, балки иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлиги, ижтимоий ҳўмия ва экологик хавфсизлигининг муҳим омили сифатида алоҳида аҳамиятга эғалиги қайд қилинди. Шунингдек, аҳолини сифатли ҳамда хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, қишлоқ ҳўжалигининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, соҳада мавжуд муаммоларни муҳомаа этиш ва уларнинг ечимини бўйича амалий тақлифларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. ➡2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲАЁТИЙ ИСЛОХОТЛАР ВА ТАШАББУСЛАР АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда айрим қонун ҳужжатларидаги тушунча ва юридик атамаларни бирхиллаштиришга, миграция соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга, наркотиклар, қўли таъсир қилувчи моддалар ва прекурсорлар муомаласини, шунингдек, гиёҳвандлик ва наркотикиятларга қарши курашиш йўналишини тартибга солишга, фуқароларни яшаш манзили ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир масалалар муҳомаа қилинди.



Қонун ҳужжатларидаги айрим атамаларнинг қўлланиши такомиллаштирилмоқда

Мажлисида дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, қонунчилик ҳужжатларини содда ва тушу-

нарли тилда тайёрлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, мазкур жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида қонунчилик ҳужжатларида фойдаланилган айрим атамаларни яна-на шаклда қўллашни назарда тутувчи ўзгаришларни киритиш тақлиф этилмоқда. Хусусан, “аванс” сўзини “бўнак”, “маркировка”ни “тамғалаш”, “маршрут”ни “йўналишли”, “светофор”ни “йўлчирик”, “парол”ни “ўрон”, “прогрессив” сўзини эса “илгор” деб ўзгариштириш назарда тутиляпти. ➡3


**35 YIL MUSTAQIL O'ZBEKISTON
TARAQQIYOT YO'LI:
ISLOHOTLAR, NATIJALAR VA ISTIQBOLLAR**

ОЧИҚ МУҲОКАМА УЧУН МУҲИМ МАЙДОН

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллигини мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган чуқур янгиланишлар, давлат ва жамият бошқарувидаги сифат ўзгаришлари, инсон қадрини таъминлашга қаратилган изчил ислохотлар билан қутиб олмақда. Айниқса, сўнгги ўн йилликда Президентимиз раҳбарлигида Янги Ўзбекистон ғояси асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ўзгаришлар мамлакат тараққиётининг юксалиш босқичини белгилла берди.

Мазкур жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шўъни, кадр-қиммати ва фаровонлигини таъминлаш давлат сиёсатининг бош мезонига айланди. “Инсон — жамият — давлат” тамойили асосида давлат институтларининг фуқаролар олдидagi масъулиятини кучайтириш, жамият билан очик мулоқотни кенгайтириш, қонун устуворлиги ҳамда ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган янги ёндашувлар қарор топмоқда. ➡2

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР



Энергия таъминоти ҳақида гап кетганда, ҳар бир ҳудуднинг ҳақиқий ҳолатини инобатга олмасдан илож йўқ. Очиғи, бугун мамлакатимизнинг ҳар бир тумани ва маҳалласидаги вазият бир хил барқарор эмас. Қайсидир ҳудудда тармоқларни янгилаш зарур бўлса, бошқа жойда қувват етишмаслиги ёки истеъмол ўсиши билан боғлиқ масалалар бор. Шу маънода, соҳада туманбай ва маҳаллабай ишлаш тизимининг жорий этилиши муаммога аниқ ечим билан ёндашиш имконини беради.

Бу ёндашув энергетика йўналишида қарашлар ўзгараётганини кўрсатади. Энди бор эътибор фақат рақамларни йиғишга эмас, балки улар ортида турган муаммоларни аниқлашга қаратилмоқда. Ҳар бир узилиш, қувват танқислиги ёки техник носозликнинг сабаблари чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш учун аниқ ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Янгийўл туманида йўлга қўйилган тажриба ана шу янги ёндашувнинг ҳаётдаги амалий ифодасидир. Бунда инсонларнинг реал эҳтиёжлари инобатга олин-япти. Аҳоли ва тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, уларни йўналишга қаратган масалаларни жойида ўрганиш ва тезкор ечим топиш бошқаруvinг

янги усулига айланмоқда.

Энди муаммонинг юқори ташкилотларга етиб келишини кутиб ўтиради-ган давр эмас-лигини вазиятнинг ўзи кўрсатмоқда. Боиси, масалани илк пайдо бўлган нуқтасида аниқлаш ва бар-тараф этиш кейинги самарали одимнинг пойдевори ҳисобланади. Бундай ҳаракат натижасида давлат идоралари билан фуқаро-лар ўртасидаги масофа қисқариб, бошқарув жараёни янада очик, тезкор ва шаффоф бўлади.

Айни пайтда барчамиз рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологиялари даврида яшаёмиз. Очиғи, бу технологияларнинг имкониятлари шу қадар кенги, ундан оқилона фойдала-нилса, барча соҳаларда, хусусан, энергетика соҳасида ҳам катта ютуқларга эришиш мумкин. Зеро, замонавий технологияларга тая-ниб иш олиб борилса, энергия истеъмолини назорат қилиш, йўқотишларни камайтириш ва қутилмаган носозликларнинг ол-динчи олиш имкониятлари чандон ошади.

Яна бир гап. Соҳада ислохот-ларни амалга оширишда юзаси, пала-партишлик билан ёндашув

ОЧИҚ МУҲОКАМА УЧУН МУҲИМ МАЙДОН

2023 йилда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституция ана шу янгиланишларнинг мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини яратди. Асосий Қонунда парламент ваколатлари кенгайтирилиб, ҳокимият тармоқла-ри ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг замо-навий механизмлари мустаҳкамлан-ди. Парламент, хусусан, Қонунчи-лик палатасида қизғин муҳокама-лар асосида қабул қилинаётган қонунлар мамлакатимиз тараққиё-тининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўляпти.

Бугун парламентнинг роли фа-қат қонун қабул қилиш билан чек-ланмайдми. Қонун ижодкорлиги си-фатини ошириш, парламент назо-ратининг таъсирчан механизмлари-дан фойдаланиш, фуқаролар ман-фаатларини ифода этиш, ҳудудлар билан ишлаш, очиклик ва жамият билан доимий мулоқот парламент фаолиятининг устувор йўналишла-рига айланмоқда.

Ўзбекистонда кечаётган ўзга-ришлар бугун халқро ҳамжамият, хорижий парламентлар ва эксперт-лар доирасида ҳам катта қизиқиш уйғотаётир. Мамлакатнинг ички ис-лохотлар билан бир қаторда ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорлик муҳи-тини мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсати парламент дипло-матияси учун ҳам янги имконият-лар яратди. Қонунчилик тажриба-сини алмашиш, умумий минтақа-вий ва глобал қақирларга бирга-лиқда ечим излаш, савдо-иқтисо-дий, транспорт-коммуникация, эко-логик ва гуманитар алоқаларни ри-вожлантириш парламентлараро му-лоқотнинг муҳим йўналишларига айланыпти.

Кейинги йилларда Ўзбекистон нуфузли халқро анжуманлар, жум-ладан, дунё парламентарийлари-нинг мулоқот майдониға айланмоқ-да. Президентимиз ташаббуси би-лан ўтган йил 5 — 9 апрель кунла-ри Тошкент шаҳрида “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун пар-ламент ҳаракати” мавзусида Пар-ламентлараро Иттифоқнинг 150-йилиёй ассамблеяси юқори савияда ўтказилган эди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Тошкент яна бир бор нуфузли халқро анжуман-га мезбонлик қилади. Жорий йил 14 август кунни пойтахтимизда “Мустақил Ўзбекистон — 35 йил-лик тараққиёт йўли: ислохотлар, на-тижалар ва истиқболлар” мавзуи-да халқро илмий-амалий конфе-ренция ўтказилиши режалаштирил-ган. Анжуман Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси ва Сенатининг та-шаббуси билан Адлия вазирлиги, Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ҳамда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Конференцияда Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Қозогистон, Қирғизистон, Россия Федерация-си, Тожикистон, Туркменистон ва Туркия парламентлари аъзолари, шунингдек, БМТ ва бошқа халқа-ро ташкилотлар, дипломатик кор-пус, экспертлар ҳамжамияти ва

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ



Иштирокчилар аҳоли даромадлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, маҳсулотлар сифати, хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратиш, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ҳамда ташиш жараёнларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида сув танқислиги ва иқлим ўзгариши таъсирига мослашиш бўйича чораларни янада қучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент, маҳаллий Кенгашлар, жамоатчиликнинг иштироки муҳимлигидан келиб чиқиб, белгиланган кўрсаткичларнинг ҳудудлар кесимида ихросини ҳар йили таҳлилдан ўтказиб бориш, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича мавжуд муаммоларни ўрганишга фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот муассасалари, фермерлар ва жамоатчиликни кенг жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Тадбир якунида қишлоқ хўжалигида ишлаб қиқариш самарадорлиги ва меҳнат умуддорлигини ошириш, ер ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, иқлим ўзгаришининг аграр соҳага таъсирини камайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш, хавфсизлиги ҳамда сифат назоратини такомиллаштириш бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУНГА ТАЯНГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги кўмитаси рақамлаштириш устуворлигига эришган ҳолда экспорт-импорт тизимининг тадбиркорлар учун шаффоф бўлишига астойдил интилмоқда. Бирорта мурожаат йўқки, эътибордан четда бўлсин. Ўз навбатида, кўмита экспертлари Жаҳон савдо ташкилоти талабларини назарда тутган ҳолда Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги қонунни тайёрлаш борасида парламент кўмиталари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган.

Мулоқот

Бу ҳақда кўмита раиси Азизбек Уруновнинг мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, экспортчилар ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги очик мулоқотида маълум қилинди.

Тадбирда республикамизнинг турли ҳудудларидан 300 нафардан ортиқ тадбиркорлар иштирок этди.

— Президентимизнинг шу йил 12 майдаги тегishi фармони билан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқий асос ярати-либ, мутлақо янги давлат бошқаруви тизими жорий этилди, — деди Азиз-бек Урунов. — Бундан мақсад — сани-тария-эпидемиология, ветеринария ва

ҲАРБИЙЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси кун тартибидан давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, мудофаа ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада қучайтириш борасидаги қатор қонунлар муҳокамаси ўрин олди. Улар орасида фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ қонунларда ногиронлиги бўлган шахслар ва ҳарбий хизматчиларнинг манфаатлари қамраб олинган. Айни мавзуда сенаторларнинг фикрлари билан қизикдик.

Муносабат

Одильон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси:

— Мамла-катимизда пенсия та-йинлаш тар-тибининг сод-далаштириш, соҳани ра-қамлашти-риш орқали ортиқча бюрократик тўсиқлар-ни бартараф этиш, пенсия та-ъминоти тизимида давлат хиз-матларини кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда аҳолини ижти-моий ҳимоя қилишни янада қу-чайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойиллари-ни мустаҳкамлаш борасида ти-зимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Муҳокама қилинган “Фуқаро-ларнинг давлат пенсия таъми-ноти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлиги пенсия тайинлаш тартибини янада та-комиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча ки-ритиш ҳақида”ги қонун ушбу соҳадаги навбатдаги ислохот-ларнинг бири ҳисобланади. Ху-сусан, ушбу қонун билан фуқа-рога I ёки II гуруҳ ногиронлиги учун пенсия унинг мурожаати-ни талаб этмаган ҳолда проак-тив шаклда тайинланиши тар-тиби жорий қилинмоқда. Бунда ногиронлик гуруҳи белгиланган шахсга пенсия тайинлаш учун зарур маълумотлар, хусусан, меҳнат стаж, иш ҳақи, ўқш даври, оила аъзолари ҳақида-ги маълумотлар давлат идора-лари ва ташкилотларнинг ахбо-рот тизимларидан электрон маълумот алмашинуви асосида олинади.

Статистик рақамларга қарай-диган бўлсак, ушбу ўзгаришнинг натижасида бир йилда ўртача 52 мингга яқин фуқароларнинг Пенсия жағмармаси ва Давлат хизматлари марказига келиб ариза беришга ёки электрон мурожаат қилишга сарфланади-ган вақти ҳамда маблағи тежа-лади.

Шунингдек, ногиронлик пен-сияси тайинланганидан кейин ушбу фуқаро камида бир йил иш стажига эга бўлса, ахборот тизимларидан олинган унинг иш стаж ва иш ҳақини ино-батга олган ҳолда пенсияни ҳар икки йилда бир маротаба фуқаронинг мурожаатини кут-масдан проактив шаклда қайта ҳисоблаб қиқиш тартиби ҳам йўлга қўйилади. Бу эса йилига 8 мингга яқин фуқароларнинг

битим асосида тартибга солиб келинаётган эди. Табиийки, мустақил давлат сифатида бу-гунги ислохотларимиз, янги тахрирдаги Конституциямиз ва замонавий ҳуқуқий тизимимиз талабларига мос равишда ҳар-бий хизматчилар ҳамда оила аъзоларининг пенсия таъми-ноти миллий қонун асосида тартибга солиш зарурати жо-са келди.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади ҳарбий хизматчилар-нинг, ходимларнинг ҳамда улар оила аъзоларининг давлат пен-сия таъминоти бўйича муноса-батларини тартибга солишдан иборат.

Аввало, қонунда давлат пен-сия таъминоти ҳуқуқига эга шахслар таркиби ва пенсия тайинлашининг аниқ ҳамда я-гона тартиби белгиланмоқда. Шу билан бирга, хизмат йиллари учун пенсия, ногиронлик пен-сияси, боқувчисини йўқотган-лаш пенсияси, уларни ҳисоб-лаш, тайинлаш, қайта ҳисоб-лаш ва тўлаш тартиби биринчи марта ягона қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Қонун билан узок йиллар хизмат бурчини ҳалол бажар-ган ҳарбий хизматчиларни яна-да муносиб рағбатлантириш ҳам назарда тутилган. Хусусан, календарь ҳисобида 30 йилдан ортиқ хизмат қилганлар учун пенсияни ҳисоблашнинг энг юқори микдори амалдаги 75 фоиздан 100 фоизгача оши-рилмоқда. Шунингдек, пенсия-ни ҳисоблашда қўлланиладиган ҳисоблаш базаси ҳам 10 бара-вардан 12 бараваргача кўта-рилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шун-даки, қонун фақат келгусида пенсияга чиқадиган шахсларга эмас, балки бугунги кунда ка-лендарь ҳисобида 30 йил ва ун-дан ортиқ хизмат қилган пен-сия олаётган ҳарбий хизматчи-лар ва ходимларга ҳам татбиқ этилади.

Демак, юқорида сўз юритил-ган иккала қонун ҳам нафақат пенсия таъминотиға оид муно-сабатларни тартибга солиди, балки ижтимоий давлатнинг но-гиронлиги бўлган ўз фуқарола-ри ҳамда Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзоларига ғамхўрлигининг яна бир ама-лий ифодаси ҳисобланади.

Энг муҳими, ушбу қонунлар билан кўп йиллардан бери пен-сия тайинлаш тизимида мавжуд бўлган ҳуқуқий бўшлиқлар бар-тараф этилади. Бир томондан, ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия тайинлаш билан боғлиқ жараёнлар проактив шаклда, яъни шахсининг мурожаатини талаб қилмаган ҳолда амалга оширилса, иккинчи томондан, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар хо-димларининг пенсия таъми-ноти мустақил Ўзбекистоннинг миллий қонунчилиги асосида ягона ва замонавий тартибга солинади. Бу эса пенсия та-йинлаш ва тўлашда адолатли шаклда шаффоф тизимни шакл-лантиришга, фуқароларнинг манфаатларини ишончли ҳи-моялаб, ҳуқуқни қўллаш амалиё-тида ягона ёндашувни таъмин-лашга хизмат қилади.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

